



ТҮГАРАКЛАРДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИ ВА УЛАРГА МОС ОБЪЕКТЛАРГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

¹Киржигитов Түйчи Рашидович,

²Холмуродов Тўлқин Эргашевич,

³Фаниев Акмал Абдурайимович,

⁴Алқорова Умида Мухиддиновна.

^{1,2,3}Бахмал тумани №2 сон касб-хунар мактаби “Таълим усталари”,

⁴Жиззах давлат педагогика университети “Тютори”.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7540417>

ARTICLE INFO

Received: 07th January 2023

Accepted: 15th January 2023

Online: 16th January 2023

KEY WORDS

Илмийлик, дидактик, ташкилий - педагогик, психофизиологик, техник, дизайн, технологик, экологик, иқтисодий, сермеҳнатлилиг, меҳнат севарлиқ, мураккабилиги.

ABSTRACT

Ушбу мақолада тўғарак ишларида талабаларнинг тайёргарлик дарожалари уларнинг объектлари ва талабалар тайёргарлик дарожалари варианти маркиби, ҳар хил мураккабликдаги ижодкорлик объектлари учун шартли равишда бир хил тайёргарлик дарожасига боғлаб ифодаланади.

Сир эмаски, кўпчилик ўқитувчилармиз (педагог-муҳандислар) олий даргоҳини битириб коллежларга ишга борганларида ўқувчилар ижодкорлигини мувофиқ ташкиллаштиришида ва раҳбарлик қилишида қийинчиликларга дуч келадилар. Талабалар ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш самарадорлиги кўп жиҳатдан ижодкорлик объектлари (қурилма, стенд, мослама, макет ва ҳоказолар) педагогик нуқтаи назардан асосли талаблар қўйилишига боғлиқ.

Бу талабаларга илмийлик, дидактик, ташкилий - педагогик, психофизиологик, техник, дизайн, технологик, экологик, иқтисодий талаблар киради.

Ижодкорлик обьекти техника ва ишлаб чиқариш технологияси элементларига қанча бой бўлса, унинг талабалар ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари ҳам шунчалик кенг қамровли бўлади. Аммо шуни ёддан чиққармаслик лозимки, кўрилаётган ижодкорлик обьекти (қўйилган масала) мураккаблилиги ва сермеҳнатлилиги бўйича талабаларнинг муайян тайёргарлик дарожаси (назарий ва амалий билим, кўникма, малака, уқувлари қандайлиги)га мос келиши керак, яъни қўйилган ижодкорлик масаласини ечиш учун талабанинг тайёргарлиги талаб даражасида бўлиши кераклигини инобатга олиш лозим. Акс ҳолда ижодкорлик фаолияти салбий натижаларга олиб келиши мумкин. Айтилганларни қуйидагича тушунтирамиз.

Тажрибаларимизга қўра ижодкорлик объектларини (қўйилган ижодкорлик масалаларининг оддий ёки мураккаблигига қараб) тахминан тўртта гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ: 1) оддий, 2) ўртача, 3) мураккаброқ, 4) ўта мураккаб. Шунга кўра



талабаларнинг тайёргарлиги даражаси билан ижодкорлик объектлари ўртасида қуйидагидек боғлиқлик бўлиши мумкин.

1. Ижодкорлик обьекти (оддий) (ИО) талабанинг тайёргарлик даражаси (ТТД)дан паст - И О кичик ТТД;

2. Ижодкорлик обьекти (ўртача) талабанинг тайёргарлик даражасига тенг - ИО тенг ТТД;

3. Ижодкорлик обьекти (бироз мураккаброқ) талабанинг тайёргарлик даражасидан юқорироқ - ИО катта кичик ТТД;

4. Ижодкорлик обьекти талабанинг тайёргарлик даражасидан анча юқори (ўта мураккаб) - ИО катта ТТД;

Юқорида келтирилган ижодкорлик обьектлари ва талабаларнинг тайёргарлик даражалари варианти таркиби, ҳар хил мураккабликдаги ижодкорлик обьектлари учун шартли равишда бир хил тайёргарлик даражасига боғлаб ифодаланади. Аслида талабаларнинг ижодкорлик масалаларини ечиш қобилиятга, яъни тайёргарлик даражаси ҳам ҳар хил бўлиши табиий.

Шу ўринда В.П.Беспальконинг билимларни ўзлаштириш даражаси моделини келтирамиз, унга кўра:

I-даражаси - воқеликнинг мазкур соҳасидаги обьектлар, хоссалар ва жараёнларни улар ҳақида илгари олинган ахборотларни қайта идрок этиш, ёки улар билан ишлашда билиб олиш (билиш-таниш);

II-даражаси - маълум ҳаракатларни бажариш учун ўзлаштирилган йўналтирувчи асосларни мустақил равишда такрор ишлаб чиқариш ва уларни қўллаш йўли билан репродуктив фаолият (билим - нусхалар);

III-даражаси - маҳсулли фаолият, айrim кўп обьектларда намуна бўйича ишлаш (билимлар-ўқув ва малакалар);

IV-даражаси - фаолият учун янги йўналтирувчи асосларни мустақил конструкциялаш йўли билан ҳар қандай қўп обьектларда бажариладиган фаолият (билимлар-трансформация) бу фаолият натижасида янги ахборотларга эришилади.

Айтилганлар гарчи мактаб ўқувчиларининг политехник тайёргарлиги даражасини ифодаласа-да, умумий қоидалар қандай вазиятда ана шу даражаларни конкрет шароитдан келиб чиқиб, худди ижодкорлик обьектлари сингари, талабаларнинг техник ижодкорликка тайёргарлиги даражаларига татбиқ этиш мумкин. Шунга кўра талабаларнинг тайёргарлик даражаларини мос ҳолда: 1) қониқарли, 2) яхши, 3) аъло, 4) юқориларга ажратамиз.

Талабалар илмий техник ижодкорлик фаолиятига берилган ижодкорлик обьекти мураккаблиги даражасига мувофиқ талабаларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олиш муҳим ташкилий педагогик ва психологияк жараён ҳисобланади. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Олдинги боғлиқлик схемасида келтирилганидек, ижодкорлик обьекти оддий талабанинг тайёргарлик даражаси эса юқори бўлганда (ИО кичик ТТД) бундай оддий ижодкорлик масалаларини бажаришда аъло ва юқори тайёргарлика талабалар қизиқишиз ишлайдилар. Улар учун иш баъзан эрмакдек туюлади, натижада илмий-техникавий ижодкорликнинг таълимий-тарбиявий аҳамияти йўқолади. Ёки шу схемадаги тўртинчи ҳолда, яъни ижодкорлик обьекти талабанинг тайёргарлик



даражасидан анча юқори бўлганда (ИО катта ТТД) бундай ўта мураккаб ижодкорлик масаласи қониқарли тайёргарлик даражасидаги талаба қийинчиликлар туғдиради, ишда бузилишлар юз беради. Натижада қутилган натижага эриша олмай ишдан кўнгли совийди ва бу ҳолда ҳам илмий техникавий ижодкорликнинг таълимий-тарбиявий аҳамияти йўқолади.

Бундай вазиятда психологияк педагогик талаблар ижодкорлик объекtlарини талабаларнинг тайёргарлик даражасига қараб оптимал варианtlарини танлаш ва сермеҳнатлигини баҳолашни тақозо этади. Юқорида айтилган ижодкорлик объекtlари ва талабалар тайёргарлиги даражалари ўртасидаги мувофиқликни илмий-педагогик асосда ўрнатиш, ТИТИ фаолияти жараёни ва унинг самарадорлигини сезиларли ошириш имконини беради.

Танланадиган ижодкорлик объекtlари маҳаллий ишлаб чиқаришнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, керакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилишга ёрдам бериши билан иқтисодий аҳамиятга, жамият эҳтиёжини қондириши билан ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши керак.

Хулоса ўрнида шуни такидлаш жойизки, ижодкорлик объекtinинг ижтимоий аҳамияти талаблари ижтимоий-иқтисодий мезонларни ифодалайди ва илмий-техникавий ижодкорлик билан боғлиқ талабаларнинг ўқув, билиш малакаларини рағбатлантиришнинг дидактик талабини бевосита бажаради. Бундай фаолиятда талабаларнинг техник ижодкорлик ишлари натижалари замонавий қуроллар ва машина, техника ҳамда технологияларидан фойдаланиладиган ишлаб чиқаришга қанчалик яқинлашса, унинг бўлажак ўқитувчilarни касбий-педагогик ижодкорликга тайёрлаш аҳамияти ва имконияти ҳам шунчалик ортади.

References:

1. Беспалько В.П. Основи теории педагогических систем. Воронеж 1977, 70-714 бетлар.
2. Разумовский В.Г. Некоторое тенденций изменения преподование физики в Великобритании-физика в школе, 1975, № 2
3. Ковалев А.Г. Психология личности-Москва, Просвещение, 1970, 268 бет